

**ТИББИЁТ ҲАМШИРАСИННИНГ ОПЕРАЦИЯ ОЛДИ ВАҚТИДАГИ БЕМОРЛАР БИЛАН ПСИХОЛОГИК ЁРДАМИДАГИ ЎРНИ.**

**Салохитдинова И.Ф., Сафарбаева К.У., Турдалиева Г.Н., Маматкулов И.Б.**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент, Ўзбекистан

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳар қандай операция бу стресс ҳолати, бу беморларни психологик ҳолатини бузилишига олиб келади. Операция олди ва кейинги даврда bemорларга психологик ёрдами тиббиёт ҳамширасининг энг керакли йўналиши ҳиссебланади. Стационар даволаш муассасаларида бемор одатланмаган ҳолатларга дуч келади, бу нокулайлик ҳиссини уйғотади. Юқоридаги масалаларни ўрганишимиздан мақсад психологик ҳолатни ўрганиш ҳамда bemорларнинг даволанишидан қониқиши.

**Мавзунинг мақсади.** Психологик ҳолатни ўрганиш ҳамда bemорларнинг даволанишидан қониқиши.

**Материаллар ва тадқиқот усуllibар.** Беморлар билан эркин сухбат олиб борилган ва анкета тузилган, бу сухбатда bemорлардан 50 та бемор ота-онаси камраб олинган ( 38 аёл, 12 эркақ, ўртacha ёш 42). Ҳамма bemорлар юрак кон томир касаликлари билан қийналган ва улар кардиохирургик операцияларга тайёрланган.

**Тадқиқот натижалари.** Маълум бўлишича тадқиқот ўтказилган bemорлар стационар ҳолатида психологик муаммоларни бошдан кечирган. Айниқса тез-тез намоён бўладиган ҳолатлар: нотинчлик , вахима, саросимага тушиб, шубҳа-гумон 37%), ёлғизлилк ҳисси, тиббиёт ҳодимлари билан алоқасининг камлилиги (23%), маълумот йўқлиги сабабли операция олди вактидаги кўркув ва вахималар (22%), ўтказиладиган операциядан умидсизлик даражаси (15%), эътиборсизлик (3%). Олинган натижалар шуни кўрсатадики, даволаш ва реабилитация марказларида психологик ёрдам талабга тўлиқ жавоб бермайди. Юқорида

операция ўтказилиши керак бўлган bemорлар тиббиёт ҳамширасининг психологик ёрдамига, эътиборига, famxўрлигига муҳтоҷдир. Бемордаги ваҳима депрессив ҳолатдаги кайфият, келажагига бўлган кўркув, оғрик ҳис қилишдаги ҳамда ўзининг кучизлигидан жабр чекиш юқори даражада кузатилади. Беморлар билан сухбат ўтказилганда (умидсизлик, кўркув, реанимация, оғрик) деган сўзларни кўп эшишиш мумкин. Баъзи bemорлар кўркув борлигини инкор этишади; баъзилари эса “ ҳаммаси яхши бўлади, дориларсиз янги хаёт, у муаммоларнинг ечими” деб такидлашади.

**Хулоса.** Тадқиқотлардан олинган натижаларни тиббиёт ҳамширлари машгулот мавзуларини, яни бу bemорлар билан профессионал сухбат асослари деган мавзуларда баён этади. Бундай семинарларни ўтказиш учун тажрибали шифокорлар ва бошқа тажрибали мутахассисларни маслаҳатчи сифатида таклиф килиш, тиббиёт ҳамширлари учун мухим саволлар бўйича маълумотнома тайёрлаш, бундан ташқари bemорлар учун хотиранома, тестлар, анкеталар тайёрлаш. Шундай килиб тиббиёт ҳамширлари шифокорлар билан биргаликда ижобий психологик мухит яратишда, bemорларни руҳий ҳолатини мувозанатлаштиришда, даволаш масканларида тўғри даво чораларини кўллашда, ҳамда химоя қилишда мухим ўрин тутади.